

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИШОНОВА АСАЛ ЯКУБЖОНОВНА**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚОВУН (*MELO ADANS L.*)  
ЕТИШТИРИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Нишонова Асал Якубжоновна**

Тошкент вилояти шароитида қовун (*Melo Adans L.*) етиштиришнинг  
ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.....3

**Нишонова Асал Якубжоновна**

Разработка ресурсосберегающих технологии выращивания дыни (*Melo  
Adans L.*) в условиях Ташкентской области.....21

**Nishanova Asal Yakubjonovna**

Melon in the conditions of the Tashkent region (*Melo Adans L.*) development  
of resource-saving technology of cultivation.....39

**Эълон қилинган ишлари рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИШОНОВА АСАЛ ЯКУБЖОНОВНА**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҚОВУН (*MELO ADANS L.*)  
ЕТИШТИРИШНИНГ РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2022.3.PhD/Qx966 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетинда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz))  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	<b>Бурiev Хасан Чутбаевич</b> биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	<b>Дусмуратова Саодат Исмоиловна</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор <b>Остонакулов Тоштемир Эшимович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	<b>Сабзавот, полив экинлари ва картошкачилик илмий- тадқиқот институти</b>

Диссертация химовеси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги  
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 25 » май соат 11<sup>00</sup> даги  
мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-  
00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети  
Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин (№ 548558-рўқами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент,  
Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси.  
Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил «12» май куни тарқатилди.  
(2023 йил « 19 » апрелдаги 23-рақамли ресср баённомаси).



**Э.Т.Бердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**М.З.Холмуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,  
(PhD) доцент.

**С.А.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котибидagi илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи технологиялардан қишлоқ хўжалиги амалиётида фойдаланиш самарали натижа бермоқда. “Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда томчилатиб суғориладиган майдонлар улуши Исроилда 74%, Испания 26%, Италия 14%, Тунис 16%, Саудия Арабистони 17%, Жанубий Африка 15% га тенг бўлиб, бу борада АҚШ 1,209,757 га, Испания 914,112 га ва Ҳиндистон 589,251 га етакчилик қилмоқда. Ўзбекистонда эса, сабзавот ва полиз маҳсулотларини томчилатиб суғориш майдонлари 11,9 минг гектардан ошмайди”<sup>1</sup>. Шу боис, қовун ўсимлигини юқори ҳосилдор, стресс омилларга бардошли навларини етиштиришнинг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, дунёда экспортбоп, юқори ҳосилли маҳаллий навларини яратиш, кўпайтириш ва сифатли маҳсулот етиштиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Испания, Жанубий Италия, Бразилия, Полша, Иордания, Россия, АҚШ ва Туркия давлатларида сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда тупроқни ҳимояловчи, турли хил полиэтилен плёнкалардан фойдаланиш, суғоришнинг самарали усулларини қўллаш, мақбул экиш муддатларини тўғри танлаш каби ресурстежовчи технологияларнинг муҳим элементлари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Республикамиз шароитида вақтинчалик плёнкалар остида эртаги қовун етиштиришда навларни танлаш, экиш муддатлари, усуллари, уруғи билан плёнка остига мулчалаб экиб парваришлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Лекин, қовун экинини кўчатидан етиштиришда ресурстежамкор технологияларини қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 30-31 мақсадларида “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш” белгилаб қўйилган бўлиб, бунда мева-сабзавотчиликда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш долзарб вазифа сифатида қайд этиб ўтилган”<sup>2</sup>. Мамлакатимизда турли хил (шаффоф ва қора) плёнкалар билан мулчаланган майдонларда қовун навларини етиштиришда морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини аниқлаш, ресурстежовчи мақбул экиш муддатларини, томчилатиб суғориш усулини афзаллигини, экин майдонларида ресурстежамкор технологияларни

<sup>1</sup> <https://xn----7sbhkqeeckrngf9nna.xn--p1acf/kapelnyj-poliv-v-mire>

<sup>2</sup> ЎзР Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 сонли Фармони

қўллашнинг экологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 25 октябрда ПҚ-4499-сон “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2022 йил 1-мартда ПҚ-144-сон “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва суғориш тартиботини такомиллаштириш бўйича АҚШда Williams M., Испанияда Goncalo C., Rodrigues C., Туркияда Yildirim Osman, Neslihan Şengül, Ҳиндистонда Devkota M., Gupta R., Россияда Андрианов А.Д., Бочарев В.Н., Бочарников О.М., Бородычев В.В., Матвиец А., Санникова Т.А., Овчинников А.С., Қозоғистонда Айтбаев Т, Сейдазимова Д. ва бошқа мамлакатларда кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда сабзаот-полиэ экинларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллашда қатор олимлар, жумладан, Ҳакимов Р.А., Мўминов Т.Ғ., Якубжонов Р., Рахматуллоҳжаев Н., Қорабоев М.М., Ф.Қ.Ғаниевлар эгатлаб суғориш усулидан тўғри фойдаланишда экиш схемаларини, ўсимлик навига қараб белгилаш ва қатор оралатиб суғориш ҳисобига 25-30% сувни тежаш мумкинлигини, М.У.Ҳалимова Ўзбекистон шароитида вақтинчалик плёнкалар остида эрта қовун етиштиришда навларни танлаш, экиш муддатлари ва усулларини, С.И.Дусмуратова Ўзбекистон Марказий минтақасида вақтинчалик туннеллар остида тарвуз навларини танлаш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича, Р.А.Низомов, Н.М.Илхамовлар ва бошқалар Томатдошлар (*Solanaceae*) оиласига мансуб сабзаот экинларини уруғи билан плёнка остига мулчалаб экиб парваришлаш технологиясини такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Таъкидлаш жоизки, республикада, хусусан, Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитида қовун экинини кўчатидан етиштиришда ресурстежамкор (сув ва озуқа сарфини максимал даражада тежовчи томчилатиб суғориш ва бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалар зичлигини камайтирувчи ҳар хил плёнкалар (шаффоф ва қора) билан мулчалаш,) технологияларини ишлаб

чиқиш бўйича олиб борилган илмий изланишларнинг ҳажми жуда кичик бўлиб, бу йўналишда чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва USAIDнинг Агробизнесни ривожлантириш лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган амалий тадқиқот ташаббусларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида №4-2022 “Агробизнесда рақобатбардош, қўшимча қиймат занжирини ташкил этишда замонавий ресурстежамкор технологиялар асосида полиз маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш” (“Growing, storage and processing of melons on the basis of modern resource-saving technologies in the organization of a competitive, value-added chain in agribusiness”) (2022 й.) ҳамда №6-2015 Bioversity/SDC “Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш” лойиҳалари доирасида бажарилган (2015-2022 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Тошкент вилояти шароитида қовуннинг турли муддатларда пишиб етиладиган навларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллашни агробиологик, хўжалик, экологик ва иқтисодий самарадорлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

турли хил (шаффоф ва қора) плёнкалар билан мулчаланган майдонларда қовун навларини морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини аниқлаш;

мулчаланган майдонларда қовун навларини ўсиш-ривожланиши, ҳосилнинг пишиши ва ҳосилдорлигини экиш муддатларига боғлиқлигини аниқлаш;

қовун навларини етиштиришда ресурстежовчи суғориш усулларини тадқиқ қилиш;

қовун экин майдонларида ресурстежамкор технологияларни қўллашнинг экологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қовун экинининг эртапишар (“Кичкинтой нави”) ва эртаўртапишар (“Кок тинни 1087”) навлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида кўчатлар, шаффоф ва қора плёнкалар, экиш муддатлари, эгатлаб ва томчилатиб суғориш усуллари ва усқуналари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, бунда “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси” (Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б., 2002 (2006)), «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» (В.Ф.Белик, 1992), “Тошкент вилояти шароитида қовун етиштиришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш” (Т.: 2022 й), «Определение экономической

эффективности результатов полевых опытов» (Грызенкова Э.И., Чиженко А.И., 1979), «Методические указания по определению нитратов в продукции растениеводства» (1989) каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди, маълумотларнинг статистик таҳлили «Методика полевого опыта» (Б.А.Доспехов, 1985) Microsoft Excel дастури ёрдамида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилояти шароитида қора плёнка билан мулчаланган майдонларда қовун навларини морфобиологик (вегетация давомийлиги, ўсиш-ривожланиши, илдиз, поя вазни, барг сони ва сатҳи) ва қимматли хўжалик (тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари) белгилари аниқланган;

ресурстежамкор технология асосида тезпишар (75 кун), юқори ҳосилли (26,3-29,7 т/га) ва нитрат миқдори кам бўлган (102,8-108,2 мг/кг) сифатли маҳсулот олиш учун ушбу экинларни мақбул экиш муддати (30-апрел, ҳаво ҳарорати 22,4 °С, тупроқ ҳарорати 25,3 °С) аниқланган;

“Кичкинтой” ва “Кок тинни 1087” навларини вегетация даври давомида томчилатиб суғорилганда 1718,3-1994,5м<sup>3</sup>, яъни 49-50 % гача сув сарфи тежалганлиги исботланган;

ресурстежамкор технологияларни қўллашда қовун далаларида бегона ўтлар сони 52,0-52,8 % га, фузариоз касаллиги 6,0-6,5 % га қисқариб, экин майдонларининг экологик ҳолати яхшиланганлиги ва ўрганилган навларда ҳосилдорликдан олинган ўртача рентабеллик даражаси назоратга нисбатан 26,0-46,0 % га ошганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитида қовун навларини қора плёнка билан мулчаланганда ўсимлик илдиз тизими яхши ривожланиши, тупроқда намликни сақланиши, бегона ўтларни 30-60 % га камайиши натижасида экин майдонларининг экологик ҳолати яхшиланганлиги аниқланган;

қовун экинини турли хил полиэтилен плёнкалар (шаффоф ва қора) билан мулчалаб, мақбул экиш муддатларида (апрел ойининг учинчи ўн кунлигида ҳавонинг ҳарорати 22,4 °С; тупроқнинг ҳарорати 25,3 °С) етиштирилганда кам меҳнат ва сув сарфлаб маҳсулот сифати (“Кичкинтой” навида умумий қанд миқдори 13,6 %, нитрат миқдори 108,2 мг/кг; “Кок тинни 1087” навида умумий қанд миқдори 15,1%, нитрат миқдори 102,8 мг/кг) яхшиланган ҳамда назоратга нисбатан 2-5 т/га юқори ҳосил олинган;

“Кичкинтой” навида эгатлаб суғориш усулига нисбатан томчилатиб суғориш усулида 49-50 % сув ва минерал ўғитлар тежалиб, ҳосил 10-15 % га ошган ва 8-10 кун эрта етилиб, маҳсулот сифати яхшиланган, соф даромад 36 902,0 минг.сўмни, рентабеллик даражаси 107,0 % ни, “Кок тинни 1087” соф даромад 63 489,0 минг сўмни, рентабеллик даражаси 182,0 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини олиб боришда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил

қилинганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий натижаларга мослиги, тажриба натижаларининг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, тадқиқотлар натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, ҳар йили ТошДАУ Мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси йиғилишларида ҳисоботлар муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тажрибалар натижалари илмий нашрларида чоп этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти Тошкент вилояти шароитида ресурстежамкор технологияларни қўллаш натижасида, турли полиэтилен плёнкалар билан мулчаланган майдонларда қовун навларини мақбул экиш муддатлари ва суғориш усулларини, экин майдонлари экологик ҳолатини яхшиланганлиги, шунингдек, қовун экинлари маҳсулдорлигини максимал даражада ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти мулчаланган майдонларда қовун навларини экиш учун апрел ойининг учинчи ўн кунлиги мақбул эканлиги, қора плёнка билан мулчаланганда бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси ўртача 52,0-52,8 % га камайганлиги, томчилатиб суғоришда намликни тупроқда бир текис тақсимланиши, сувнинг 49,0-50,0 % га тежалиши ва ушбу вариантларда қовун экинлари ҳосилдорлиги 10,0-15,0 % га ва маҳсулот сифати яхшиланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент вилояти шароитида қовун етиштиришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

фермер ва деҳқон хўжаликлари учун “Тошкент вилояти шароитида қовун етиштиришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш” бўйича тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 07/33-04/8652 сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома қовун экинини ресурстежамкор технологиялар асосида етиштириш мақсадида томорқа ер эгалари, сабзавот-полизчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

қовуннинг “Кичкинтой” ва “Кок тинни 1087” навлари кўчатларини ҳар хил (шаффоф ва қора) плёнкалар билан мулчалаб етиштириш ишланмаси Тошкент вилояти Бўка тумани “Nodir Elbek Bo'ston” фермер хўжалигида 0,10 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 07/33-04/8652 сон маълумотномаси). Натижада қовунни анъанавий (плёнкасиз) етиштирилганга нисбатан тезпишарлиги, майдон бирлигидан кўчат тутувчанлиги 4-5 баробар юқори бўлганлиги, бегона ўтлар билан ифлосланиш даражасининг 70-80 % га пасайганлиги, эртароқ ҳосилга кирганлиги ва умумий ҳосилдорлик шаффоф плёнка билан етиштирилганда 23 т/га, соф даромад 62 млн.сўмни, рентабеллик даражаси 117 % ни, қора плёнка билан эса 25 т/га, соф даромад 70 000 минг.сўм, рентабеллик даражаси 127 % ни ташкил этган;

қовун навларини ресурстежамкор технология асосида етиштиришнинг экиш муддатларига таъсири ишланмаси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Қашқадарё илмий тажриба станциясида 3,6 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 07/33-04/8652 сон маълумотномаси). Натижада апрел ойининг учинчи ўн кунлигида экилганда 27 т/га ҳосил етиштирилган. Иқтисодий самарадорлик 135 000 минг сўм, соф даромад 75 000 минг сўмни ва рентабеллик даражаси назорат вариантыга (апрел ойининг иккинчи ўн кунлиги) нисбатан ўртача 15-20 % га юқори бўлган;

“Кичкинтой” ва “Кок тинни 1087” навлари кўчатларини томчилатиб суғориш технологияси асосида етиштириш ишланмаси Сирдарё вилояти Гулистон тумани “Гулистон элита уруғчилик хўжалиги” МЧЖда 0,10 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 07/33-04/8652 сон маълумотномаси). Натижада қовунни анъанавий (эгатлаб) усулда етиштиришга нисбатан экин ҳосилдорлигининг 40-60 % ортиши ва ҳосил сифатининг яхшиланиши; сув ресурслари 20-80 % гача тежалиши; агротехник тадбирларни ўтказиш учун сарфланадиган моддий ва меҳнат ресурсларининг 35-50 % гача камайиши; экинни озиқлантириш учун сарфланадиган ўғитларнинг 50 % гача миқдорда камайиши натижасида “Кичкинтой” навидан 27,5 т/га ҳосил олинди, иқтисодий самарадорлик 137 млн/сўм, соф даромад 70 000 минг сўм ва рентабеллик даражаси 108 % ни, “Кок тинни 1087” навидан 32 т/га ҳосил олинди, иқтисодий самарадорлик 224 000 минг сўм, соф даромад 120 000 минг сўм ва рентабеллик даражаси 115 % ни ташкил этган;

қовун етиштиришнинг ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ишланмаси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги Ахборот маслаҳат маркази (Extension center) ДУКда 0,06 гектарга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 07/33-04/8652 сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик “Кичкинтой” навидан 24 т/га, соф фойда 70 000 минг сўм, рентабеллик 140 % ни, “Кок тинни 1087” навидан 28 т/га, соф фойда 110 000 минг сўм, рентабеллик 128 % ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ҳар йили ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 5 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналда, 5 та илмий-амалий конференциялар тўпламларида (жумладан 3 таси халқаро) чоп этилган ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 120 саҳифадан ибрат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Қовун (*Melo Adans L.*) навларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллашни назарий асослари ва амалиёти бўйича илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, қовуннинг ботаник таснифи ва морфобиологик хусусиятлари, полиз экинларини ресурстежамкор технология асосида етиштириш, ресурстежамкор технологиялар асосида етиштирилган қовун меваларининг биокимёвий кўрсаткичлари ва шифобахшлик хусусиятлари юзасидан илмий маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот олиб бориш услуби юзасидан маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг **“Тадқиқотлар ўтказилган шароитнинг тупроқ-иқлим тавсифномаси”** деб номланган биринчи бўлимида асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий-иқлим шароитлари ва тупроғи бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг **“Тадқиқотлар объекти ва услублари”** бўлимида тадқиқот объекти бўлган қовуннинг **“Кичкинтой”** ва **“Кок тинни 1087”** навларини тавсифи ва ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш услубиёти баён этилган.

Бобнинг **“Тажрибада ўрганилган қовун навларини етиштириш агротехнологияси”** бўлимида тадқиқот натижалари асосида Тошкент вилояти шароитида қовунни ресурстежамкор технология асосида етиштириш технологияси баён этилган.

Диссертациянинг **“Тошкент вилояти шароитида ресурстежамкор технологиялар асосида қовун экинини етиштириш”** деб номланган

учинчи бобидан бошлаб қовун навларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини, қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш ва уни етиштириш юзасидан олиб борилган тажриба натижалари берилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Турли хил (шаффоф ва қора) плёнкалар билан мулчаланган майдонларда қовун навларини морфобиологик ва хўжалик белгиларини тадқиқ қилиш” деб номланган бўлимида қовун навларини вилоят иқлими шароитида очиқ майдонларда кўчатидан етиштиришда уларнинг хўжалик-қимматли белгиларининг намоён бўлишини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўсув даври давомийлиги бўйича плёнкасиз (назорат) вариантыда фазалар давомийлиги сезиларли даражада юқори, яъни 81 кунни, шаффоф плёнкада ўстирилган кўчатларда эса 72 кун муддатни, қора плёнкали вариантда экилган кўчатларда янада қисқароқ - 70 кунлик даврни талаб этганлиги аниқланди.

Қовуннинг “Кичкинтой” нави асосий поя узунлигини “мевалаш-пишиш” фазасида ўлчаганимизда, назорат вариантыда 133 см.ли, шаффоф плёнкада 157 см.ли, қора плёнкада эса 168 см ташкил этди. Ён шохлар сони эса, назорат вариантыда бироз камроқ 3 донани, шаффоф плёнкали ва қора плёнкали вариантларда эса 4-5 донани ташкил этганлиги аниқланди.

“Кичкинтой” навининг плёнкасиз (назорат) вариантыда 0-30 см қатламдаги илдиз вазни 2020 йил даврида ўлчанганда 96 гр.ни, 2021-йилда 99 гр.ни, 2022-йилда эса 94 гр.ни ташкил этганлиги кузатилди (1-жадвал).

Шаффоф плёнкали вариантда назоратга нисбатан илдиз вазни 9 гр.га, қора плёнкали вариантда эса 21 гр.га оғирроқ эканлигини аниқланди. Ушбу ўсимликнинг худди шу тартибда поя вазни таҳлил қилинганида назорат вариантда ўртача 1526 гр.ни иккинчи вариантимизда (шаффоф плёнка) 1706 гр, учинчи вариантда (қора плёнка) эса янада юқорироқ 1743 гр.га етганлиги аниқланди. Бу қонуният “Кок тинни 1087” навида ҳам кузатилди.

Турли мулчалаб етиштирилган қовун навларини ўртача умумий ҳосилдорлик “Кок тинни 1087” навида назорат вариантыда 25,5 т/га, товарбоп ҳосилдорлик 22,9 т/га, рентабеллик даражаси 167 %, шаффоф мулчада умумий ҳосил 28,6 т/га, товарбоп ҳосил 27,1 т/га, рентабеллик даражаси 219 % бўлган бўлса, қора мулчада назоратга нисбатан умумий ҳосил 3,8 т/га товарбоп ҳосил эса 4,9 т/га ёки 21,4%.га юқори бўлганлиги, рентабеллик даражаси 226 %.ни ташкил этганлиги аниқланди.

“Кичкинтой” нави қора плёнка билан мулчалаб етиштирилганда қурук модда миқдори 16,8%, умумий қанд миқдори 14,2%, С витамин миқдори ҳам назоратга нисбатан учинчи вариантда 13,56 мг/% ва нитрат 109,8 мг/кг эканлиги аниқланди. “Кок тинни 1087” навида бу кўрсаткичлар мос равишда 17,7; 15,0; 18,43; 98,6 га тенг бўлди.

Диссертациянинг “Қовун навлари кўчатларини турли муддатларда ресурстежовчи усулда экишнинг ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг пишиши ва умумий ҳосилдорлигига боғлиқлигини ўрганиш” деб номланган бўлимида шаффоф ва қора плёнка билан мулчаланган майдонларда қовун навлари кўчатларини экиш муддатларини ўсимликнинг

ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг пишиш ва умумий ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

1-жадвал

**Турли плёнкалар билан мулчалаб етиштирилган қовун ўсимлигининг илдизлар, поялар вазни, барг сатҳи ва ҳосилдорлиги**

Вариантлар	Йил-лар	илдизлар вазни, гр	поялар вазни, гр	барг сатҳи, дм <sup>2</sup>	Ҳосилдорлик, т/га	
					умумий	товарбоп
<i>(var bucharika Pang.) “Кичкинтой” нави</i>						
Плёнкасиз (назорат)	2020	96±2,0	1462±2,0	1701±2,0	19,9	17,9
	2021	99±3,0	1598±3,0	1768±4,0	21,8	19,6
	2022	94±2,0	1518±3,0	1728±3,0	20,6	18,5
	ўртача	96±2,3	1526±2,7	1732±3,0	20,7	18,6
Шаффоф плёнка	2020	101±2,0	1686±2,0	1982±3,0	22,5	21,3
	2021	110±3,0	1732±3,0	2090±2,0	23,3	22,1
	2022	103±2,0	1702±2,0	1994±5,0	22,5	21,3
	ўртача	105±2,3	1706±2,3	2022±3,3	22,7	21,5
Қора плёнка	2020	112±2,0	1718±4,0	1997±5,0	24,4	21,9
	2021	124±3,0	1772±2,0	2197±4,0	25,7	24,4
	2022	114±2,0	1740±3,0	2072±3,0	24,8	23,5
	ўртача	117±2,3	1743±2,3	2089±3,0	24,9	23,2
ЭКМФ <sub>05</sub>		1,5	6,9	2,5	0,9	0,6
S <sub>x</sub> , %		1,4	0,4	0,1	3,7	2,6
<i>(var ameri Pang.) “Кок тинни 1087” нави</i>						
Плёнкасиз (назорат)	2020	153±2,0	1635±4,0	2264±2,0	25,0	22,5
	2021	167±3,0	1692±2,0	2393±3,0	26,1	23,5
	2022	159±4,0	1663±3,0	2378±4,0	25,4	22,8
	ўртача	160±3,0	1663±3,0	2345±3,0	25,5	22,9
Шаффоф плёнка	2020	172±2,0	1796±2,0	2797±4,0	28,2	26,7
	2021	182±4,0	1848±3,0	2823±5,0	29,1	27,6
	2022	176±3,0	1821±2,0	2815±6,0	28,5	27,0
	ўртача	177±3	1822±2,3	2812±5	28,6	27,1
Қора плёнка	2020	178±3,0	1818±5,0	2814±4,0	28,9	27,4
	2021	194±5,0	1886±2,0	2843±5,0	29,6	28,1
	2022	187±4,0	1856±4,0	2821±3,0	29,3	27,8
	ўртача	186±3	1853±3,7	2826±3	29,3	27,8
ЭКМФ <sub>05</sub>		4,7	6,5	16,6	0,8	0,4
S <sub>x</sub> , %		2,7	0,4	0,6	3,0	1,5

Кузатувлар шуни кўрсатдики, қовуннинг “Кичкинтой” ва “Кок тинни 1087” навларини қора плёнка билан мулчалаб, 30-апрелда тупроқ ҳарорати 24 °С, ҳаво ҳарорати 23,6 °С ни ташкил этиб, бошқа вариантлар билан таққослаганда қовун кўчатларининг ўзига хос физиологик хусусиятларига, жумладан, ёруғликка ҳамда иссиқликка талабчанлик хоссаларига тўла мос келиши ўз тасдиқини топди (2-жадвал).

Қовун навларини қора плёнка билан мулчаланган майдонда 30-апрел санасида экиб ўстирганимизда “Кичкинтой” навининг асосий поя узунлиги

“шоналаш-чангчи гуллар” фазасида 114 см.ни, ён шоҳлар сони 4 донани ташкил этган бўлса, “Кок тинни 1087” навида асосий поя узунлиги 147 см.ни, ён шоҳлар сони 5 донани ташкил этганлиги кузатилди.

Шаффоф плёнка остида 30-апрел муддатида экиб ўстирилган “Кичкинтой” навининг 0-30 см қатламдаги илдиз вазни ва поя вазни 111-1712 гр, барглар сони 353 дона, барг сатҳи 2029 дм<sup>2</sup> бўлди. Қора плёнка остида илдиз ва поя вазни мос равишда 17-39 гр.га, барглар сони 13 донага, барг сатҳи 68 дм<sup>2</sup>.га юқори бўлганлиги аниқланди.

2-жадвал

**25 кунлик кўчатидан экилган қовун навларининг фенологик кўрсаткичларини экиш муддатларига боғлиқлиги, 2020-2022 йй.**


Кўчатни экиш		Фазалараро даврлар, кун ҳисобида				
муддат-лари	*шароитлари: А- хаво °С; Б-гупрок °С	“шоналаш-чангчи гуллар”	“чангчи гуллар-уруғчи гуллар”	“уруғчи гуллар ҳосил бўлиши-мевалаш”	“мева-лаш-пишиш”	ўсув даври
Шаффоф плёнка						
<i>(var bucharika Pang.)</i> “Кичкинтой” нави						
10-апрел	А-16,2; Б-18,3	9±1,0	8±1,0	8±1,3	33±1,0	83±1,3
20-апрел (назорат)	А-18,6; Б-21,6	7±1,2	6±1,1	6±2,0	34±1,2	78±1,4
30-апрел	А-22,4; Б-25,3	7±1,0	8±1,3	7±2,0	30±2,0	77±1,6
10-май	А-20,3; Б-22,3	7±2,0	6±1,2	6±1,3	33±1,6	77±1,5
<i>(var ameri Pang.)</i> “Кок тинни 1087” нави						
10-апрел	А-16,2; Б-18,3	8±1,2	9±1,1	8±2,0	34±2,0	84±1,6
20-апрел (назорат)	А-18,6; Б-21,6	8±1,3	8±1,6	7±1,2	32±1,0	80±1,3
30-апрел	А-22,4; Б-25,3	5±1,0	5±1,3	6±1,0	34±1,0	75±1,0
10-май	А-20,3; Б-22,3	7±1,0	6±1,2	7±1,0	33±1,6	78±1,2
Қора плёнка						
<i>(var bucharika Pang.)</i> “Кичкинтой” нави						
10-апрел	А-16,2; Б-18,3	9±1,2	9±1,1	7±1,5	33±1,1	83±1,2
20-апрел (назорат)	А-18,6; Б-21,6	8±1,5	6±2,0	7±1,0	34±1,0	80±1,4
30-апрел	А-22,4; Б-25,3	8±1,1	5±1,0	4±1,0	33±1,5	75±1,1
10-май	А-20,3; Б-22,3	7±1,2	7±1,2	6±1,2	32±1,3	77±1,2
<i>(var ameri Pang.)</i> “Кок тинни 1087” нави						
10-апрел	А-16,2; Б-18,3	9±1,0	9±2,0	8±1,2	36±1,0	87±1,3
20-апрел (назорат)	А-18,6; Б-21,6	8±1,5	9±1,5	8±1,2	32±1,3	82±1,4
30-апрел	А-22,4; Б-25,3	6±1,3	5±1,5	6±1,3	33±1,0	75±1,3
10-май	А-20,3; Б-22,3	7±2,0	6±1,3	6±1,5	34±1,2	78±1,5

\* ЎзГидромет маълумотлари. Т.: 2020-2022 йиллар, 7-бет.

“Кок тинни 1087” навини 30-апрел санасида қора плёнка остида етиштирилганда илдиз ва поя вазни 195-1860 гр.ни, барглар сони 412 дона, барг сатҳи 2834 дм<sup>2</sup> ни ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар назорат вариантыга нисбатан 4-10 %га юқори бўлганлиги кузатилди.

Экиш муддатларини ҳосилдорликка таъсири ўрганилганда энг юқори товарбоп ҳосилдорлик қора плёнка билан мулчалаб, 30-апрел муддатида экилганда ўртача “Кичкинтой” нави 24,9 т/га, рентабеллик даражаси 160 %; “Кок Тинни 1087” навида 28,2 т/га, рентабеллик даражаси 222 %.ни ташкил этди.

Ўрганилган навларда экиш муддатларини маҳсулотнинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсири сезиларли даражада ўзгармаган бўлсада, энг юқори кўрсаткич қора плёнка билан мулчалаб, 30-апрел муддатида “Кичкинтой” навида ўртача қуруқ модда 16,2 %, умумий қанд 13,6 %, С витамин 13,48 мг/кг, нитрат 108,2 мг/кг бўлган бўлса, “Кок тинни 1087” навида мос ҳолда 17,7; 15,1; 18,23 ва 102,8 га тенг бўлганлиги аниқланди (1-расм).



**1-расм. Турли плёнкалар билан мулчалаб, ҳар хил экиш муддатларида етиштирилган қовун навлари меваларининг нитрат таркиби, 2020-2022 йй.**

Диссертациянинг “Томчилатиб суғориш усулини қовун навларининг ҳосилдорлигига ва меваларининг сифат кўрсаткичларига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида қовун навлари кўчатларини очик майдонда томчилатиб суғориш тизими афзалликларини илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Қовун навларини етиштиришда ресурстежамкор суғориш усулларини тадқиқ қилиш” деб номланган бўлимида ўрганилган қовун навларини томчилатиб суғориш тизими эгатлаб суғоришга қиёсий таҳлил қилинган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўрганилган қовун навларида мавсумий суғориш меъёри 3438,1-3992,5 м<sup>3</sup>.ни ташкил этган бўлса, томчилатиб суғорилганда 1718,3-1994,5 м<sup>3</sup>, яъни назоратга нисбатан 49-50 %.га кам сарфланганлиги аниқланган (2-расм).

Худди шундай кўрсаткичлар, “Кок тинни 1087” навида эгатлаб суғорилганда вегетация жараёнида 3992,5 м<sup>3</sup> сув сарф бўлган бўлса, томчилатиб суғорилганда 1994,5 м<sup>3</sup> га сув сарфланганлиги аниқланди.

Қовун навларини томчилатиб суғориш, эгатлаб суғориш усулига нисбатан бир қатор афзалликларга эга эканлиги аниқланди. “Кичкинтой” нави эгатлаб суғорилганда ўртача илдиз вазни (108,7 гр), поя вазни (1726,3 гр) барглар сони (349 дона) ва барг сатҳи (2059 дм<sup>2</sup>) ни ташкил этган бўлса, томчилатиб суғорилганда илдиз вазни (121,6 гр), поя вазни (1739,0 гр) барглар сони (361,3 дона) ва барг сатҳи (2071 дм<sup>2</sup>) бўлганлиги кузатилди. Ўсимлик илдиз қатламида оптимал намликнинг яратилиши ва ўсимликни стресс ҳолатларга тушмаслиги туфайли ўсимлик ўз энергиясини фақат ривожланиш ва ҳосил тўплашга сарфлаши билан изоҳлаш мумкин.



**2-расм. “Кичкинтой” навини турли суғориш усулларида фазалараро сарфланган сув миқдори, 2020-2022 йй.**

“Кичкинтой” нави эгатлаб суғорилганда ўртача ҳосилдорлик 19,2 т/га.ни, томчилатиб суғорилганда 25,7 т/га бўлган бўлса, “Кок тинни 1087” навида ушбу кўрсаткич назорат вариантыда 22,6 т/га.ни, томчилатиб суғорилганда 29,5 т/га.ни ташкил этди. Полиз далалари томчилатиб суғорилганда ҳосилнинг сув остида қолиб нобуд бўлиш ҳодисаси буткул бартараф қилиниши ҳисобига эришилади.

Эгатлаб суғориш усулида “Кичкинтой” нави рентабеллик даражаси 98,5 %, томчилатиб суғорилганда 107 %.ни ташкил этиб, соф даромад 36 902,0 минг сўм бўлганлиги аниқланди. “Кок тинни 1087” нави томчилатиб суғорилганда рентабеллик даражаси 182 %.га тенг бўлган бўлса, олинган соф фойда гектаридан 63 489,0 минг сўмни ташкил қилганлиги аниқланди.

Тадқиқот йилларида “Кичкинтой” нави эгатлаб суғорилганда ўртача қуруқ модда миқдори (12,7 %), умумий қанд (10,4 %), аскорбин кислотаси (12,9 мг/%) ва нитрат миқдори (116,3 мг/кг) бўлса, томчилатиб суғорилганда мос равишда 15,2%; 12,7%; 13,37мг/% ва 108,5 мг/кг.га тенг бўлганлиги аниқланди. “Кок тинни 1087” навида эса эгатлаб суғорилганда ўртача қуруқ

модда (13,8 %), умумий қанд (12,3 %), аскорбин кислотаси (16,3 мг/%) ва нитрат миқдори (111,7 мг/кг) бўлса, томчилатиб суғорилганда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 16,5%; 14,7%; 18,25; 104,7 га тенг бўлганлиги аниқланди. Томчилатиб суғориш тизимида сув ва озуқа моддаларининг меъёрларидан кам даражада берилиши маҳсулот сифатини, хусусан, нитратлар миқдори кам бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Диссертациянинг “Қовун экин майдонларида ресурстежамкор технологияларни қўллашнинг экологик ва иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимда қовун навларини етиштиришда экин майдонларида ўсимликларда қайд этилган бегона ўтлар турлари, тарқалиши ва касаллик билан зарарланиши баён этилган.

Томчилатиб суғорилганда эгатлаб суғорилганга нисбатан бегона ўтларни тур ва сонлари сезиларли даражада камайганлиги аниқланди. Ўрганилган қовун навларининг экиш жойларида эгатлаб суғорилганда энг кенг тарқалган кўп йиллик бошоқли бегона ўтлар ҳисобланиб, қуйидагилар: – ажриқ (*Cynodon dactylon* L.), ғумай, қамиш, саломалайкум (*Cyperus rotundus* L.), қўйпечак (*Convolvulus arvensis* L.).

2020 йили қовуннинг “Кичкинтой” навида эгатлаб суғорилганда бегона ўтлар сони 1 м<sup>2</sup> да 83 донани ташкил этган бўлса, томчилатиб суғорилганда 48 дона/м<sup>2</sup>, фоиз нисбатида, бу фарқ 42 % га, “Кок тинни 1087” навида эгатлаб суғорилганда 86 дона/м<sup>2</sup>, томчилатиб суғорилганда 52 дона/м<sup>2</sup>, фоиз нисбатида, бу фарқ 39,5% га қисқарганлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

### Суғориш усуллари қовун экин майдонларидаги экологик ҳолатига таъсири

Суғориш усуллари	2020 йил		2021 йил		ўртача		
	сони, дона	оғирли- ги, гр	сони, дона	оғирли- ги, гр	сони, дона	оғирли- ги, гр	
( <i>var bucharika</i> Pang.) “Кичкинтой” нави							
Эгатлаб суғориш (назорат)	83	613	110	700	96,5	656,5	
Томчилатиб суғориш	48	520	43	460	45,5	490	
Бегона ўтларнинг камайиши	дона/м <sup>2</sup>	35	-	67	-	51	-
	%	42,0	-	60,9	-	52,8	-
	кг/м <sup>2</sup>		93		240		166,5
	%		15		34,3		25,3
( <i>var ameri</i> Pang.) “Кок тинни 1087” нави							
Эгатлаб суғориш (назорат)	86	625	118	765	102	695	
Томчилатиб суғориш	52	550	46	500	49	525	
Бегона ўтларнинг камайиши	дона/м <sup>2</sup>	34	-	72	-	53	-
	%	39,5	-	61,0	-	52,0	-
	кг/м <sup>2</sup>	-	75	-	265		170
	%	-	12,0	-	34,6		24,5

Тадқиқотлар натижаларидан аниқ кўриниб турибдики, эгатлаб суғоришда қовуннинг “Кичкинтой” навида бегона ўтлар сони томчилатиб

суғоришга қараганда кўпроқ бўлган, бегона ўтлар ўртача 52,8 %га ёки 51 дона/м<sup>2</sup> га камайди. Ёввойи ўтларнинг хўл вази ўртача 25,3 %га камайтирилди. “Кок тинни 1087” навида бегона ўтлар сони томчилатиб суғоришга қараганда кўпроқ бўлган, бегона ўтлар ўртача 52 % га ёки 53 дона/м<sup>2</sup> га камайди. Ёввойи ўтларнинг хўл вази ўртача 24,5 %га камайтирилгани аниқланди.

Қовун экиннинг экологик ҳолатига таъсир қилувчи асосий агротехник усуллардан бири, юқорида айтиб ўтилганидек, суғориш режимидир. Қовун экинларида бегона ўтларнинг тарқалишини ўрганиш билан бир қаторда, суғориш технологиясига қараб, биз касалликларни аниқлаш учун тажриба майдонини ўргандик. Тажрибалар давомида 2020-2021 йилларда касаллик кузатилмади, аммо 2022 йили Фузариоз сўлиш (*F.oxugroum melonis*) касаллиги билан касалланди (4-жадвал).

4-жадвал

**Қовун навларининг суғориш усуллари экин майдонларидаги Фузариоз (*F.oxugroum melonis*) касаллиги билан касалланиш ҳолатига таъсири, 2022 й.**

Суғориш усуллари	Ўрганилган ўсимлик, дона	Касаллик билан зарарланиши, балл						Умумий балл	Тарқалиши, %
		0	1	2	3	4	5		
<i>(var bucharika</i> Pang.) “Кичкинтой” нави									
Эгатлаб суғорилганда (назорат)	40	27,5	6,0	3,4	2,0	1,1	0,0	12,5	31,2
Томчилатиб суғорилганда	40	29,9	4,7	2,8	1,7	0,9	0,0	10,1	25,2
<i>(var ameri</i> Pang.) “Кок тинни 1087” нави									
Эгатлаб суғорилганда (назорат)	40	28,3	5,7	3,1	1,9	1,0	0,0	11,7	29,2
Томчилатиб суғорилганда	40	30,9	4,3	2,5	1,6	0,7	0,0	9,1	22,7

Тажрибаларда қовун навларининг Фузариоз сўлиш (*F.oxugroum melonis*) касаллиги билан зарарланиши 5 баллик шкала бўйича баҳоланиб, кузатувлар 40 дона ўсимликда олиб борилди. “Кичкинтой” нави эгатлаб суғорилганда фузариоз касаллигини тарқалиши 31,2 %ни, томчилатиб суғорилганда 25,2 %ни ташкил этган бўлса, “Кок тинни1087” навида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 29,2; 22,7 бўлганлиги аниқланди.

Буни, эгатлаб суғорилганда ўсимликни нафақат илдиз қатлами, балки бутун пушта сувга бўкади. Шу нуқтаи назардан касаллик тарқалишига олиб келади. Биламизки, фузариоз ўта кучли намлик пайдо бўлганда яхши

ривожланади. Томчилатиб суғорилганда намлик бошқарилади ва меъеридан ошмайди. Шуни ҳисобига касалликни олди олинади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Қора плёнкалар билан мулчаланган майдонларда қовуннинг “Кичкинтой” навини морфобиологик белгилари: ўсув даври давомийлиги қисқароқ - 70 кун, асосий поя узунлиги “мевалаш-пишиш” фазасида 168 см, ён шохлар сони эса 4-5 донани ташкил этганлиги аниқланди.

2. “Кичкинтой” нави қора плёнка билан мулчалаб етиштирилганда меваларнинг биокимёвий таркиби: куруқ модда миқдори 16,8 %, умумий қанд 14,2 %, С витамин ҳам назоратга нисбатан 13,56 мг/% ва нитрат 109,8 мг/кг эканлиги аниқланди. “Кок тинни 1087” навида бу кўрсаткичлар мос равишда 17,7; 15,0; 18,43; 98,6 ни ташкил этди.

3. Қора плёнка билан мулчаланганда “Кичкинтой” навида товарбop ҳосилдорлик 23,2 т/га, рентабеллик даражаси 145 %.ни, “Кок тинни 1087” навида эса 27,8 т/га, рентабеллик даражаси 226 %.ни ташкил этганлиги аниқланди.

4. Қовуннинг “Кичкинтой” ва “Кок тинни 1087” навларини қора плёнка билан мулчалаб, 30-апрелда тупроқ ҳарорати 24 °С, ҳаво ҳарорати 23,6 °С бўлганда ўсув даври тезлашиши (75 кун), илдиз вазни (128-195 гр), поя вазни (1751-1860 гр), барг сони (366-412 дон) ва барг сатҳи (2097-2834 дм<sup>2</sup>) юқори бўлганлиги кузатилди.

5. Экиш муддатларини ҳосилдорликка таъсири ўрганилганда энг юқори умумий ҳосилдорлик қора плёнка билан мулчалаб, 30-апрел муддатида экилганда ўртача “Кичкинтой” нави 24,9 т/га, рентабеллик даражаси 160 %; “Кок Тинни 1087” навида 28,2 т/га, рентабеллик даражаси 222 %.ни ташкил этди.

6. Экиш муддатларини маҳсулотнинг биокимёвий кўрсаткичларига таъсири сезиларли даражада ўзгармаган бўлсада, энг юқори кўрсаткич қора плёнка билан мулчалаб, 30-апрел муддатида “Кичкинтой” навида “ўртача куруқ модда 16,2 %, умумий қанд 13,6 %, С витамин 13,48 мг/кг, нитрат 108,2 мг/кг бўлган бўлса, “Кок тинни 1087” навида мос ҳолда 17,7; 15,1; 18,23 ва 102,8 га тенг бўлганлиги аниқланди.

7. “Кичкинтой” ва “Кок тинни 1087” навларида эгатлаб суғорилганда суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ўртача 18 %, чегараланган дала нам сифими 74 % бўлганда ҳар бир ўсув фазасида 570,0-573,0 м<sup>3</sup> сув сарф бўлган бўлса, томчилатиб суғорилганда 284,9-286,3 м<sup>3</sup>, яъни назоратга нисбатан 49-50 %.га сув сарфи қисқарганлиги аниқланди.

8. “Кичкинтой” нави томчилатиб суғорилганда ўртача товарбop ҳосилдорлик 23,8 т/га, соф даромад 36 902,0 минг.сўм, рентабеллик даражаси 107 %, “Кок тинни 1087” навида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 28,1 т/га; 63 489,0 минг.сўм; 182 %.ни ташкил этди.

9. Ресурстежамкор технологияларни қўллашда қовун далаларида бегона ўтлар сони 52,0-52,8 % га, фузариоз касаллиги 6,0-6,5 %.га қисқариб,

экин майдонларининг экологик ҳолати яхшиланганлиги ва ўрганилган навларда ҳосилдорликдан олинган ўртача рентабеллик даражаси 26,0-46,0 %га ошганлиги исботланган.

10. Тошкент вилояти шароитида полизчилликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларига;

- қовуннинг эртапишар “Кичкинтой”, ўртатезпишар “Кок тинни 1087” навларини етиштиришда тупроқни ҳимояловчи, ресурстежовчи қалинлиги 150 мкм, эни 150 см, ўтказувчанлиги (кўринадиган нурларни) 65-70% бўлган қора полиэтилен плёнкасидан фойдаланиш;

- кўчатларни қора полиэтилен плёнка билан мулчаланган майдонларда апрел ойининг учинчи декадасида, ҳаво ҳарорати 22,4 °С, тупроқ ҳарорати 25,3 °С бўлганда экиш;

- ўсув даври давомида мавсумий сув сарфи 50 % га тежалганлиги ҳисобига томчилатиб суғориш усулини қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx. 13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**НИШОНОВА АСАЛ ЯКУБЖОНОВНА**

**РАЗРАБОТКА РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩЕЙ ТЕХНОЛОГИИ  
ВЫРАЩИВАНИЯ ДЫНИ (*MELO ADANS L.*) В УСЛОВИЯХ  
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

**Ташкент-2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD/Qx966

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))


Научный руководитель:	<b>Бурнев Хасан Чутбаевич</b> доктор биологических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	<b>Дусмуратова Саodat Имомаловна</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Остовакулов Тоштемир Эшимович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт овощебахчевых культур и картофеля


Защита диссертации состоится « 25 » мая 2023 года в 11<sup>00</sup> часов на Научного совета DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tdau@tdau.uz](mailto:tdau@tdau.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 548558). (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан « 12 » мая 2023 года.  
(реестр протокола рассылки номер 23 от « 19 » апреля 2023 года).



  
**Э.Т. Бернев**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

  
**М.З. Холмуратова**  
Учёный секретарь научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, д.ф.с.х.н., доцент

  
**С.А. Юнусов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире применение почвозащитных и ресурсосберегающих технологий дает эффективные результаты в сельскохозяйственной практике. «Доля площадей с капельным орошением при возделывании в сельскохозяйственных культур составляет 74 % в Израиле, 26 % в Испании, 14 % в Италии, 16 % в Тунисе, 17 % в Саудовской Аравии и 15 % в Южной Африке, в этой области лидируют США с 1 209 757 га, Испания с 914 112 га и Индия с 589 251 га. А в Узбекистане площади капельного орошения под овощными и бахчевыми культурами не превышают 11,9 тыс. га»<sup>3</sup>. В этой связи, актуальным является разработка ресурсосберегающих технологий выращивания высокоурожайных, устойчивых к стрессовым факторам сортов дыни.

В настоящее время в мире ведутся научные исследования по созданию, размножению экспорториентированных, высокоурожайных местных сортов и разработке инновационных технологий выращивания высококачественной продукции. В частности, в таких странах, как Испания, Южная Италия, Бразилия, Польша, Иордания, Россия, США и Турция разработаны и рекомендованы для производства важные элементы ресурсосберегающих технологий, такие как использование различных полиэтиленовых пленок для защиты почвы, применение эффективных способов полива, правильного подбора оптимальных сроков посева при возделывании овощных и бахчевых культур.

В условиях нашей республики проводятся научно-исследовательские работы по подбору сортов, срокам и методам посадки, совершенствованию технологии посева семенами и возделывания мульчированием под пленкой. Однако, научно-исследовательские работы по применению ресурсосберегающих технологий при возделывании дыни с посевом сеянцами не проводились. В 30-31-целях Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы обозначено «...осуществление отдельной государственной программы по интенсивному развитию сельского хозяйства на научной основе, коренному реформированию системы управления водными ресурсами», где в качестве актуальных задач отмечено выращивание экспорториентированной продукции в плодоовощеводстве, повышение плодородия почвы и защита её от деградации, экономия не менее 7 миллиардов куб. метров воды за счёт эффективного использования водных ресурсов<sup>4</sup>. В нашей стране актуальными являются задачи определения морфобиологических и хозяйственно-ценных признаков при выращивании сортов дыни на полях, мульчированных различными (прозрачными и черными) пленками, определения оптимальных ресурсосберегающих сроков посева, преимуществ метода капельного орошения, экологической и

---

<sup>3</sup> <https://xn----7sbhkqeeckrngf9nna.xn--p1acf/kapelnyj-poliv-v-mire>

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

экономической эффективности применения ресурсосберегающих технологий на посевных площадях.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4499 от 25 октября 2019 года «О мерах по расширению механизмов стимулирования внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-144 «О мерах по дальнейшему совершенствованию внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование данной диссертации проводится в области развития науки и техники республики и реализуется в рамках приоритетного направления V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** По разработке ресурсосберегающих технологий при возделывании сельскохозяйственных культур и совершенствованию режимов орошения проводили научные исследования многие учёные, в частности в США Williams M., в Испании Goncalo S., Rodrigues C., в Турции Yildirim Osman, Neslihan Şengül, в Индии Devkota M., Gupta R., в России Андрианов А.Д., Бочарев В.Н., Бочарников О.М., Бородычев В.В., Матвиец А., Санникова Т.А., Овчинников А.С., в Казахстане Айтбаев Т, Сейдазимова Д. и другие.

